

ЯПОН МАҚОЛЛАРИНИНГ МАЗМУН КЎЛАМИ ВА ИФОДА УСУЛЛАРИ

О.Ф. Ачилова

СамДЧТИ ўқитувчиси

Маълумки, япониянинг табиий нафосати ва ушбу халқ вакилларида турмуш тарзи ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, унда инсон ва табиат бири билан чамбарчас боғланганлигининг асл моҳиятини кузатиш мумкин.

Япон миллий характери ва маданиятига хос хусусиятлар мақолларда махсус сўз сифатида гавдаланишини кузатиш мумкин. Япон тилининг келиб чиқиши, ривожланиши ва ўзгаришларини ўрганиш нуқтаи назаридан ҳам, ўзбек ва япон мақолларини қиёслашда ҳам тил ва маданият уйғунлигини турли томонлардан ўрганиш катта аҳамиятга эга.

Яна шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, япон тилида тана аъзолари иштирокидаги кўплаб мақоллар мавжуд бўлиб, узок вақт давомида оролда деҳқончилик билан кун кечириб келаётган япон халқи учун табиат ва тана бири билан доим алоқада ва чамбар - час боғлиқдир. Бундан ташқари, улар ўзларининг ҳис-туйғуларини тўғридан-тўғри ва аниқ ифода этмайдилар, балки ўзларининг тана аъзолари ва атрофдагиларни ўзларининг ҳис - туйғулари деб ҳисоблайдилар[5:29]. Ушбу ҳолат япон менталитетининг ўзига хос хусусиятларини ўзида мужассамлаштирган омиллардан бири сифатида қабул қилиш мумкин. Шу нуқтаи назардан, япон халқи инсон тана аъзолари, ҳайвонлар, қушлар ёки табиат билан боғлиқ бўлган иборалардан таркиб топган паремияларни гуруҳлаштиришга эътибор қаратишади.

Ўзбекистон ва Япония давлати шарқона маданият ва менталитетга эга бўлган давлатлар қаторида бўлиб, табиийки, маданият нуқтаи назаридан ҳам кўп умумийликларга эгадир. Бироқ, ҳар иккала халқ мақолларига мурожаат қилар эканмиз, уларнинг бир хил маънога эга ёки эга эмаслигини, қандай ҳолат ва мақсадда ифодаланиши каби жиҳатларни ойдинлаштиришга ҳаракат

қиламиз:

Японча талқин: *似るを友*。 [6:85]Ўхшаш хусусиятлилар дўстлашади.

Изоҳ: Умумий хусусиятларга эга бўлган одамлар яқин дўст бўлишади.

Ўзбекча талқин: *Ўхшатмаса, учратмас*.

Япон ва ўзбек мақолларини солиштириб, улар ўртасидаги умумийлик ва фарқларни кўриб чиқар эканмиз, япон ва ўзбек маданиятини қиёслаш мақоллар орқали маданиятлараро уйғунликларни англашга олиб келишининг гувоҳи бўламиз. Шу ўринда, ўзбек ва япон мақолларини таққослаб, уларни тахминан қуйидаги уч турга бўлиш мумкин деган хулосага келиш мумкин:

1)Сўзма-сўз таржима қилинганда айнан бир хил ифодага ега мақоллар:

Японча талқин: *一石二鳥*。 *Бир тош билан иккита қушни ўлдирмоқ*.

Ўзбекча талқин: *Бир ўқ билан икки қуённи урмоқ*.

2)Иборалар фарқланади, аммо мажозий маънолари ўхшаш мақоллар:

Японча талқин: *蛙の子は蛙*。 *Қурбақа боласи қурбақадир*.

Ўзбекча талқин: *Олманинг тагига олма тушади*.

3)Ўша халққа хос бўлиб, ўхшаш иборалари мавжуд бўлмаган мақоллар:

Японча талқин: *武士に二言はない*。 *Самурайнинг гапи иккита бўлмайди*.

Изоҳ: Самурайлар ҳеч қачон айтганини қайтариб олмайди. Имонни қадрлаш ва ваъдага амал қилишда бир сўзли шахслардир.

Ўзбекча талқин: Арслон изидан, *йигит сўзидан қайтмас*.

Ўзбек ва япон мақолларини солиштирган ҳолда қиёсий тадбиқ этиш жараёнида уларнинг аксарият қисми ўхшаш маънога эга бўлса - да, қисман тафовутларга эга эканлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Бу эса иккала халқ вакиллариининг ўзига хос хусусиятларини ҳис қилиш билан бирга, маданият ва фикрлаш тарзидаги фарқларни акс эттиради [3:87]. Шунингдек, ушбу халқлар тафаккуридаги ўзгаришлар, улар учун қадрли бўлган табиат неъматлари, анъанавий қадриятлари ва миллий характери ҳақида ҳам тасаввурга эга бўлиш имконини беради. Албатта, фақат маълум бир халқнинг ўзлигини акс эттирувчи мақолларни билиш ёки илмий тадбиқ қилиш ўша мамлакатга оид

барча маълумотга эга бўлишни англамайди, бироқ ушбу соҳа вакилларига бўлган турлича маданиятларни англаш ва улар ҳақида тафаккур қилиш учун кенг имконият эшикларини очишга хизмат қилади.

Юқорида мақолларни турларга ажратиб таҳлил қилиганимиз каби паремияларни гуруҳлаш ва уларни турларга ажратиб таҳлил қилиш самарали усуллардан ҳисобланади. Бу борада, аввало, эътибор қаратилаётган материални катта тематик гуруҳларга ажратиш, яъни уларни мавзулаштириш, кейинги босқичда эса уларни кичик гуруҳларда тизимлаштириш, яъни алифбо тартибида жойлаштириш паремиялогия соҳасини тадбиқ қилишда айрим қулайликларни тақдим этади.

Шу ўринда, тематик классификацияланган мақолларга эътибор қаратдиган бўлсак, масалан, меҳнат ҳақидаги мақоллар бўлимида ҳар иккала тилда ҳам қуйидаги ўхшашликларни кузатишимиз мумкин:

口自慢の仕事下手 [7:99]。Мақтанчоқ - ишга нўноқ.

Ушбу мақолда ўз қобилиятлари ва ютуқлари ҳақида мақтанадиган, лекин аслида ўз ишини яхши билмайдиган кишилар назарда тутилган бўлиб, ўзбек тилида “*Мақтанма хўроз, хунаринг оз*” мақоли мисолида муқобилликка эга бўлади. Равшанки, ҳар иккала тилда маълум миқдордаги мақоллар баъзан тематик жиҳатдан мос келишини кузатиш мумкин.

Юқорида зикр этилганидек, қиёсланаётган иккала халқ фольклорида бир хиллик, хаттоки, сўзма - сўз ўхшашликларга эга бўлган мақоллар кўплаб учрайди. Бироқ паремиялогия билан қиёсий шуғулланган ҳар бир изланувчи уларда муқобил вариантларни топиш, ҳеч бўлмаганда уларга яқин маънодош ибораларни аниқлашга оид мушкулотларни бошдан кечириши шубҳасиз.

Умуман олганда, япон ва ўзбек халқи вакиллари ўхшаш тасвирлар воситасида мақоллар орқали ўз фикрларини баён этишлари ушбу халқлар тилида ўзига хос лексик-семантик уйғунликда воқеланиши аҳамиятлидир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Алпатов В. М. Япония. Язык и общество. - М.: Наука, 1988.
2. Сафаров Ш.С. Лингвистика дискурса. - Челябинск: 2018.
3. Пермяков. Г.Л.Пословицы и поговорки народов Востока. - М: 1979.
4. Тўра Мирзаев, Асқар Мусоқулов, Баҳодир Саримсоқов. Ўзбек халқ мақоллари. -Тошкент: «Шарқ» нашриёт-матбаа аксиядорлик коррапанияси Бош таҳририяти, 2005.
5. Мацуги Шигеру (松木茂) 「ミニことわざ辞典」東京 : 1993.
6. Ории Эйжи (折井英治) 「暮らしの中のことわざ辞典」東京 : 1962.